

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, муҳтарам Сенат аъзоларига юртимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Шу билан бирга, бугун эришилган ютуқларни таъкидлаган ҳолда, Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим жиддий камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан. Сенатимиз фаолиятининг бугунги кунда энг бўш томонини, шунингдек тан олишимиз керак, аввало маҳаллий кенгашлар депутатлари корпуси билан узвий алоқаларни таъминлаганимиз, улар билан ҳамкорликда ишлашни жой- жойига қўйганимизда кўришимиз лозим, деб ўйлайман.

Шуни назарда тутиш керакики, Сенат вакиллик органи бўлиб, сенаторларнинг асосий қисми халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари ҳисобланади ва улар маҳаллий кенгашларнинг умумий йиғилишларида Сенат аъзоларига сайланган.

Бошқача айтганда, Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий орданга тўлақонли, айна вақтда шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва маҳаллий кенгашлар ўртасида изчил, самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Яна бир бор таъкирлаш лозим - маҳаллий кенгашлар депутатлари корпуси билан нафақат алоқа, нафақат ҳисобот ва учрашувлар, балки ҳамкорлик ҳам ҳали- бери шаклланмаган.

Сенат кенгаши томонидан 2005 йилнинг 21 ноябрида, яъни Сенат ташкил этилгандан сўнг даярли бир йил ўтгач, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорлик ҳарақатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси» тасдиқланган эди. Лекин айтиш 9 банддан иборат бўлган бу ҳужжат талаблари ҳам низоҳатда қониқарсиз бажарилмади.

Иккинчидан. Маълумки, Сенатнинг мутлақ ваколатига қирадиган ўта муҳим масалалар бор. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80- моддасига кўра Сенатга берилган бу ваколатдан ҳам ҳисобот даврида етарли даражада фойдаланилмаган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисларининг ҳисоботлари чуқур таҳлил қилинмасдан, тегишли хулосалар чиқарилмасдан, айтиш мумкинки, юзаси кўрилган. Сенат ва Сенат аъзоларига берилган ваколатлардан етарли фойдаланилмаган.

Бу ҳисоботлар ва улар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамаларда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, шу соҳаларда иқтисодий ислохотларни тўғри йўлга қўйиш борасида мавжуд бўлган жиддий муаммолар, камчилик ва нуқсонларга, шу идораларнинг масъулиятини ошириш масаласига керакли эътибор берилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, аввало ҳудуд ва минтақаларимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини ошириш, юртимизда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолар, масалан, ишсизлик муаммосини муҳокама қилиш юзасидан Сенат томонидан ташаббуслар сезилмапти.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари изчил давом этмоқда. Жумладан, прокуратура, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишни талаб қиладиган янги ёндашувлар асосида муҳим ҳужжатлар - қонунлар, жинойий жазолар тизимини, судларнинг иш юритиши

ни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисидаги фармонлар қабул қилинмоқда.

Кўрярсизки, бу соҳада муҳокама қилинадиган ва тегишли хулосалар чиқариш зарурати бўлган талайгина масалалар етарли. Лекин, шунга қарамадан, Сенат томонидан 2005 йил иш режасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи 2006 йилга кўчирилганини тушуниб бўлмайди.

2005 йил давомида Сенат қўмиталари бор-йўғи иккита сайёр мажлис ўтказган. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Термиз шаҳрида ўтказилган мажлисда «Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган мажлисда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси муҳокама этилган, ҳолос.

Учинчидан. Ўтган йили Сенат томонидан 24 та турли семинар, конференция ва давра сўхбати ташкил қилинган.

Афсуски, кўп ҳолларда бундай муҳокама-лар жиддий тайёргарликсиз, қўрилган масала бўйича амалий тақлифлар беришга қодир бўлган олим ва мутахассисларни жалб этмасдан туриб ўтказилганини айтишга тўғри келади.

Кўпинча бундай тадбирларда муҳокама қилинаётган соҳалардаги муаммолар тўғрисида гапириш ўрнига олдиндан маълум бўлган мисол ва тақлифларни такрорладан нарига ўтилмапти.

Оқибатда нима бўляпти? Бундай анжуманларда бир қарашда гоёт долзарб мавзулар кўтарилсади, лекин, афсуски, бу борада мавжуд муаммоларни ечиш бўйича амалий тақлифлар ўртага ташланмайди.

Энг ачинарли томони шундаки, кўп ҳолларда бундай семинар, конференция ва давра сўхбатлари қўзғалган мақсадларга хизмат қилмапти, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги эса улардан четда қолмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган идораларнинг фаолиятида бу борада муайян тартиб-қоида қабул қилинган. Яъни, бундай муҳокама ва семинарлар фақат маълумот бериш, мавжуд фактларни қайд этиш билан чекланмаслиги, аксинча, бу муҳокамалар пировард натижада зарур қонунчилик тақлифларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши даркор.

Тўртинчидан. Сенат назорат фаолиятининг самарадорлиги, парламент назоратининг таъсирчанлиги ҳали-бери паст даражада қолмоқда.

Юқори палата нафақат айрим қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаш, балки қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганига сабаб бўлаётган омилларнинг тағига етиши зарур.

Шунингдек, қонунчилигимиздаги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўшлиқ ва заиф нуқталарни аниқлаш ҳам унинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Парламент назоратини режалаштириш ва амалга оширишда бу ишларни Қонунчилик палатаси билан мувофиқлаштиришга эътибор берилмаётгани натижасида назорат тадбирларини ўтказишда, худдики мусобақа қилгандек, бир-бирини такрорлаш ва ортиқча кўч қилиш ҳолатлари рўй бермоқда.

Бешинчидан. Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизминини, аввало, қўйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмита ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Олдимизда турган муҳим вазифа - ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорлашмасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Шу борада, яъни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартишлар киритиш жараёнида шунини яна бир бор таъкидлаб ай-

тмоқчиманки, юқори палата томонидан бирон-бир қонуннинг қайтарилиши, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича келишув комиссиялари доирасида баҳс-мунозаралар олиб бориши кимгадир фалати кўринмаслиги ва кимнингдир нафсониятига теғмаслиги керак.

Бундай ҳолатларни демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил деб қабул қилишимиз зарур.

Юқорида зикр этилган вазиятларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида палаталар ўртасида келиб чиқадиган баҳс ва мунозараларни иш тартибидан ҳал этиш ва вазифаси юклатилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳақида яқинда қабул қилинган қарор ўзининг амалий натижаларини беради, деб ишонаман.

Хурматли Сенат аъзолари! Бугунги йиғилишимизда Олий Мажлисининг юқори палатаси бўлиши Сенат фаолияти, унинг қисқа вақтда амалга оширган ишлари, эришилган натижалар, шу билан бирга, эътибордан четда қолган масалалар ва йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтар эканман, мен ўз олдимга Сенат ишига чуқур таҳлил асосида танқидий баҳо бериш мақсадини қўйганим йўқ.

Сенатнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти яқунларини кўриб чиқиш масаласи ушбу яқин мажлис кўн тартибига киритилганидан сизлар хабардорсиз.

Сиз, муҳтарам сенаторлар, бу масалани муҳокама этиш чоғида ўтган давр мобайнида қилинган ва ҳали-бери бажарилмаган ишларга ўзингиз атрофича чуқур баҳо беришингиз, сизларга ишонч билдирган сайловчиларингиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятингиз самарадорлигини ошириш йўллари белгила олишингиз, ўйлабманки, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди.

Азиз дўстлар! Бугун биз мамлакатимиз ҳаётида кеңираётган қандай жараёнларни, қайси соҳа ва тармоқни олмасангиз - марказда ёки ўзек-яқин шаҳар ва қишлоқларимизда бўладими, қорхона, ташкилот ёки хўжалиқларда бўладими - юртимизнинг барча жойларида мавжуд вазиятни бир сўз билан ифодалаш мумкин: халқимиз, мамлакатимиз изланиш, янгиликка интилиш, бунёдкорлик туйғуси билан яшамокда.

Олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юртдошларимизнинг олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг ўзи ва оиласининг бугунги, эртанги кўни учун катта умид ва ишонч тўғдириб бермоқда.

2005 йилни қандай ижобий натижалар билан яқунлаганимиз сизларга яқини маълум.

Айни пайтда 2006 йилда амалга ошириладиган мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб олганимиз ва шу йўлда белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилаётганимиз ҳам, иншооллох, ўз ҳосили ва самарасини беради.

Айниқса, жойларда аҳолининг кўндалмак ҳаёти билан ҳар томонлама боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қилаётган ишларимиз - бу иқтисодий масалаларни ечиш ёки тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш бўладими, янги-янги иш ўринларини яратиш, шунингдек ҳисобдан одамларнинг ҳаёт даражасини ошириш, таъминотини яхшилаш, ҳар қайси инсонга Оллох берган ақл- заковат, куч-қувват ва салоҳиятни рўёбга чиқаришда имконият яратиш бўладими - буларнинг барча-барчаси ана шундай ишонч туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

Шу борада биздан, яъни қонун чиқарувчилардан нима талаб қилинади, деган савол пайдо бўлиши табиийдир.

Биринчидан, мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда авваламбор меҳнат аҳли, у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес соҳибига ёки ташаббускор ишбилармонми — ким бўлмасин, уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолиятимизда асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб қилинади.

Иккинчидан, қабул қилинаётган қонун ва юридик нормаларни амалда татбиқ этишда, мана шу жараёни яхшилаб, қўлга олиб қаттиқ назорат ўтказишда бош-қош бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо қиладди.

Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш — бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда.

Бундай вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлисимизнинг қўйи — Қонунчилик палатаси қаторида Сенат аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Сиз, муҳтарам Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар халқ ноибларининг вакиллари бўлиб, юксак ваколат соҳибига сифатида, ҳаётнинг аччиқ-чўчунини яқини биладиган инсонлар сифатида бу масалаларга катта масъулият билан қарашингиз талаб қилинади.

Ишонаманки, шундай юксак ишончга сазовор бўлган сиз, муҳтарам сенаторлар ўз масъулиятингизни ҳар томонлама чуқур англаб, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг умиди, оруз-ниятларини амалга оширишда ўзингизни аямий хизмат қиласиз.

Шу йўлда барчангизга сийҳат-саломатлик, муваффақият ва омадлар тилайман.

Кўн тартибига мувофиқ юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кўчайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги масалани кўриб чиқилар. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдиновнинг ахбороти тингланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юқори палата томонидан атрофича муҳокама қилинганидан сўнг ушбу масала бўйича қарор тайёрлаш учун ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Сенаторлар «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар ва маъқуладилар. Ушбу қонунда кўзда тутилган мақсад банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, автоматлаштирилган банк тизимидаги ахборотни рўхсатсиз олиш, нусха қўчириш ва автоматлаштирилган банк тизимига бошқа шақларда аралашувдан муҳофазаси қилишдан иборат. Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомилларини тартибга солишга, мажбурий тартибда сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар ва хизмат турларини камайтиришга қаратилган «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун, шунингдек, истезьмол кредити берадиган ташкилотлар ва ўз фаолияти натижаларидан даромад оладиган жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишни кўзда тутадиган «Истезьмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини маъқуллади.

Сенаторлар томонидан илгари Сенатнинг тўртинчи яқин мажлисида қайтарилган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилди. Ушбу қонун бўйича юзга келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида парламентнинг ҳар иккала палатаси аъзоларидан теғ асосда келишув комиссияси тузилган эди. Мазкур қонун Сенат томонидан маъқулланди.

Сенат 2006 йилнинг 25 февралда ўз ишини давом эттирди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

• Европада, хусусан, Россияда 2005-2006 йиллар қиш мавсуми кутилганидан анча қаттиқ келди. Натижада, экинлар анча-мунча зарар кўриб, мамлакатда нозеъматлар танқислиги юзга келиш хавфи пайдо бўлди. Иқтисодчиларнинг фикрича, мева-сабзавот ва дон маҳсулотлари етишмовчилиги инфляция суръатига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу масала юзасидан Россия Федерацияси президенти Владимир Путин баёнот бераётган, бу танқисликни Марказий Осиё мамлакатларидан мева-сабзавотлар импорт қилиш ҳисобига бартараф этиш ва бунинг учун минтақамиздан Россияга олиб бориладиган маҳсулотларга теғир йўл ҳарақатларини камайитириш ташаббуси билан чиқди.

• Россия Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири Сергей Иванов 2008 йилгача мамлакат армияси тарихининг 70 фойизи шартномага ўтишини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, мазкур тадбир армиянинг жанговар тайёргарлигини оширади.

• «Нигера дельтасини озод қилиш ҳарақати» этник гуруҳи жангарилари Нигериядаги Royal Dutch/Shell қонунрига қарши нефть терминалини портлатиб юборди. Маҳаллий мағбуот хабарларида айтилишича, жангариларнинг мазкур хуружидан сўнг мамлакатдан четга экспорт қилинаётган «қора олтин» миқдори қунига 340 миң баррелга қисқарган.

• Венада серблар ва косоволик албанлар ўртасида Косовонинг мақомини аниқлаштириш мақсадида музокаралар бўлиб ўтмоқда. Мазкур худуд ҳуқуқий жиҳатдан Сербия ва Черногория таркибидан қолганлиги, бироқ НАТО томонидан ўтказилган ҳарбий операциядан сўнг Косово вақтинча БМТ бошқарувига ўтди. Мазкур худуд аҳолисининг 90 фойзини албанлар ташкил этади. Улар Косовонинг мустақил бўлишини исташмоқда, бироқ Сербия бунга қаршилик кўрсатапти.

• Сўнгги бир неча йил давомида Хитойда электр энергияси тақчиллиги рўй бермоқда. «Чайна дейли» газетасининг хабар тарқатишича, расмий Пекин жорий йил охирига қадар мазкур муаммонини ҳал қилишни режалаштирапти. Мамбада келтирилишича, саноатнинг тез ривожланиб кетиши мамлакатда энергия таъминоти ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Хукумат шунинг назарда тутиган ҳолда, 2010 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқаришни ҳозиргига қараганда 50 фойизга кўпайтирмоқчи.

• Мисрда парранда гриппи вирусининг ичимлик сувидан топилиши ҳақида маҳаллий ахборот воситалари хабар қилмоқда. Айрим хабарларда келтирилишича, Мисрнинг асосий сув захираси ҳисобланган Нил дарёси орқали ичимлик сувлари қувурларида H5N1 вируси кўриб борган. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги бу маълумотларни инкор этмоқда. Ичимлик суви зарарсиз эканлиги бот-бот айтилса-да, мисрликлар орасида ваҳима босилмапти.

• Туркия пойтахти Истамбулда жуда кўп миқдорда фирибгарлик жиноятини содир қилганликда айбланган Эрон фуқароси Али Аяши ҳибсга олинди. Аяши 58 миң нафар эронлик ҳамюртларини катта фойда ваъда қилиб, нақд 83 миллион долларга алдаган. «Супер-фирибгар» Интернет санкциясига асосан, Туркия ҳуқуқни муҳофазаси қилиш идоралари томонидан қўлга олинган. Ҳозирда унинг Эронга экстрадиция қилиниши масаласи ҳал қилинмоқда.

• АКШ Молия вазирлиги мамлакат банк муассасаларига ХАМАС ва «Ал-Қоида» гуруҳларини молиялаштирилганликда гумон қилинган «Kind Hearts of Toledo» хайрия ташкилотининг ҳисоб рақамларини музлатиб қўйишни буюрди. Бу ташкилот илгари ҳам террорчиларга ёрдам берганликда айбланган.

• Боснияда биринчи марта иккита оқуш ўлигидан парранда гриппи вируси аниқланди. Хукумат ветеринария институти вакилининг маълумот беришича, Яйце шаҳарчаси ёнидан оқиб ўтадиган дарёдан бир неча кўн олдин топилган оқуш ўлигида H5N1 вируси борлиги аниқланган. Шундан сўнг, оқуш ўликлари тезлик билан Британия лабораториясига юборилган. У ердаги текширувлар натижасида эса, оқушларда инсон ҳаёти учун хавфи бўлган H5N1 вируси борлиги аниқланди. Мамлакат раҳбарияти барча фермерларга уй паррандаларини қафасда сақлашни ва вирус хавфи бор бўлган худудларни тезлик билан тозалаш лозимлигини билдирди.

• Американин Space Adventures компанияси сайёҳлик суборбитал парвозларга мўлжалланган космодромлари Бирлашган Араб Амирликлари ва Сингапурда жойлаштирмоқчи. Янги учирш майдонларидан Россиянинг Explorer суборбитал кемаларини парвозга йўллаш назарда тутилмапти.

• БМТ Бош Ассамблеяси раиси халқаро ҳамжамиятга Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш тузиш ҳақидаги резолюция лойиҳасини тақдим қилди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги хабарига айтилишича, швед дипломати Ян Элиассон томонидан ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа БМТга аъзо бир қатор Фарб давлатларида норозилик уйғотди. Лойиҳа БМТнинг янги органини яширин овоз бериш орқали сайланадиган 47 аъзодан таркиб топилиши ва бир йилда 3 марта қақрилишини кўзда тутиган.

• Европанин энг катта самолётсозлик компанияларидан бири Airbus Хиндистон давлат компанияси раҳбарияти билан йўловчи самолётлар етказиб бериш бўйича 2,5 миллиард долларлик шартнома имзолади.

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ (ЖССТ) ПАРРАНДА ГРИППИНИ ҚЎЗГАТУВЧИ ЭЙЧ-5 ЭН-1 ВИРУСИ ТАРҚАЛИБ БОРАЁТГАНДАН ЖИДДИЙ ХАВОТИР БИЛДИРМОҚДА. ЖССТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ФИКРИЧА, ЭПИДЕМИЯНИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРДА, УСТИГА-УСТАК, БУНЧАЛИК КЎП ҚАЙД ЭТИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ ИЛГАРИ КУЗАТИЛМАГАН.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг мазкур ташкилот маълумотларига таяниб хабар қилишича, парранда гриппидан Осиё мамлакатлари айниқса катта талофат кўрган. Хусусан, Индонезияда мазкур хасталик оқибатида сўнгги 9 ой мобайнида 19 киши вафот этган. 2003 йилдан буён эса Осиё минтақасида 72 киши Эйч-5 ЭН-1 вируси қурбони бўлган.

Эпидемия тарқалишидан ташвишга тушган Хиндистон ҳукумати хонаки паррандаларни оммавий равишда йўқ қилиш учун кўрсатма берди.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур яқинидаги шаҳарчалардан бирида 21 февраль кўни 40 товуқда касаллик вируси борлиги аниқланди. Мамлакатда ҳозир барча эҳтиёт чоралари кўчайтирилмоқда. Пойтахтдаги миллий ҳайвонот боғи ёпиб қўйилди.

Жанубий Кореяда эса 4 кишининг вирус юқтиргани маълум бўлди. Улар 2 йил илгари касалланган паррандаларни йўқ қилиш билан шуғулланган экан. Мамлакатда 2003-2004 йилларда ҳам парранда гриппи тарқалган эди. Ушунда 5 миллиондан зиёд товуқ ва ўрдак йўқ қилиниб, давлат салкам 1 миллиард АКШ доллари миқдоридан зарар кўрган эди.

Шарҳловчи минбари

ПАРРАНДА ГРИППИ: ЭПИДЕМИЯ БАРҲАМ ТОПАДИМИ?

Европадаги энг кўп парранда етиштирувчи мамлакат - Франциянинг Эн департаментиде ёввойи қушларнинг Эйч-5 ЭН-1 вирусидан ноубуд бўлиш ҳолати яна қайд этилди. Бу ерда бир неча километрлик радиусда тақилланган зона ташкил этилди. Унга фақат тиббий мутахассислар киритилади. Мазкур худудда парранда фермалари ва ёввойи қушлар қўниб ўтадиган қўллар қўлиги боис экспертлар касаллик тарқалишининг олдини олиш бирмунча қийин бўлади, деб ҳисоблаётди.

Франция бош вазири Доминик де Вильпен мамлакатда уй паррандаларини эмлаш ишлари амалга оширилишини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, 900 миң товуқ, ўрдак ва гога иммунитетни мустаҳкамловчи вакцина бериш режалаштирилган.

Германия шимолидаги Шлезвиг-Гольштейн федерал еридаги сув ҳавзаларидан бирида топилган ўлик ўрдаклар текширилган, уларнинг Эйч-5 ЭН-1 вирусини юқтиргани маълум бўлди.

Эпидемия Африка китъасига ҳам таҳдид солмоқда. 2006 йил 8 февралдан буён Нигериянинг 7 штатида касаллик вируси қайд этилган. БМТнинг Қишлоқ хўжа-

лиги ва озиқ-овқат масалалари бўйича ташкилоти бош ветеринари Жозеф Доменикнинг таъкидлашича, ушбу мамлакат орқали парранда гриппи бутун Фарбий Африкага ёйилиши мумкин.

Нигерия ҳукумати томонидан кўрилаётган хавфсизлик чоралари самара бермапти. Хасталикни орттирган қушлар қонини текшириш кўп вақтни олаётди. Эпидемиянинг тарқалишини эса жоловоб бўлмапти. Бунга бош сабаб мамлакатда парранда гўштининг савдоси манъ этилмаганидир.

ЎЗ УМРИНИ САВОБ ИШ БЎЛИШИ ШИФОКОРЛИККА БАХШ ЭТГАН ОДАМ, -ДЕГАН ЭДИ ШАРҚ ТАБОБАТИНИНГ БУЮК АЛЛОМАСИ АБУ АЛИ ИБН СИНО, — ЭНГ АВВАЛО САХИЙ, МУРУВВАТЛИ, СОДДАДИЛ, ҲАҚҒҮЙ, БЕГАРАЗ ВА АДОЛАТПАРВАР БЎЛМОҒИ КЕРАК. ТАШҚИ ҚИЁФАСИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ, КАМСУҚУМ ВА КАМГАП, ОЧИҚ ЧЕХРАЛИ ВА ТАБАССУМЛИ, ОЗОДА ВА КАМТАРИН КИЙИНГАН БЎЛИШИ ЛОЗИМ».



ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ

Дарҳақиқат, ҳозирги шифокорларнинг билим ва савияси, иқтидор ва тажрибасига эмас, касбига бўлган меҳр-муҳаббати, беморга меҳр-шафқати, у билан мулоқоти, маданияти ҳам замон талабига мос келиши керак. Айтиш жоизки, бугунги кунда тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, юксак кадрланмоқда. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 24 январдаги «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисидаги Қарориде жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва меҳнатсевар санитарларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш, каби вазифалар белгиланган. Мазкур Қарор мамлакатимиздаги барча тиббиёт масканларида тунни тонга улаб, беморлар дардига малҳам бўлаётган шифокору ҳамширалар қалбини фахру қувончга тўлдирди албатта.

Шаҳримизда энг кўзга кўринган, нуфузли тиббиёт масканларидан бўлиши Тошкент тиббиёт академиясида ҳам бугунги кунда кўплаб ўз касбининг малакали мутахассислари, профессорлар, фан номзодлари ва олий тоифали шифокору ҳамширалар Юртбошимиз ҳамда ҳукуматимиз қарорларидан руҳланган ҳолда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Тиббиёт академиясининг 1-клиникаси кардиология бўлими фаолияти билан танишар эканмиз, аввало ушбу бўлимдаги тартиб-интизом, озодалик, беморларга кўрсатилаётган тезкор ёрдам, ҳурмуомалалиқнинг гувоҳи бўлдим. Маълумки, бугунги кунда аҳоли орасида юрак ишемики, гипертония касалликлари кўплаб учрамоқда. Бу касаллик билан оғирган беморларга албатта тезкор ёрдам кўрсатиш даркор. Бўлимда бу каби касалликларни даволашда ўз касбига меҳр қўйган, тажрибали мутахассис шифокорлар ҳамда ҳамширалар туну кун беморлар атрофида парвона бўлиб, уларнинг дардига малҳам бўлишаётир.

— Бўлим 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда асосан юрак ишемики, миокардти, кардиомиопатия, гипертония билан, шунингдек инфаркт, ўткир миокард инфаркти, инфарктдан кейинги кардиосклероз, номўқим ривожланиб борувчи стенокардия ва юрак етишмовчилиги билан оғирган беморлар даволанади.— дейди биз билан суҳбатда бўлимнинг даволаш ҳамда илмий ишлар бўйича раҳбари, профессор Умида Комилова. — Клиникада бу касалликларни аниқлаб, ташхис қўйиш ва даволаш учун барча замонавий тиббий анжумлар мавжуд. Яъни, электрокардиограмма, юракни ультратовуш усули билан текшириш, қон томирлар доплерографияси, қоннинг биохимик анализи, организмда ёғ моддаларини аниқлаш усули йўлга қўйилган. Шу билан бирга беморларга дори-дармонлар тиббиёт усулида исботланган ҳолда тавсия этилади. Шунингдек ҳам айташ жоизки, ушбу бўлим Тошкент тиббиёт академиясининг ўқув базаси ҳисобланади. Бу ерда талабалар ва кардиология мутахассислиги бўйича резидентлар ўз амалий малакаларини оширишади, илмий излашлар олиб боришади.

Биз шифокорларнинг мақсадимиз, аввало халқ саломатлигини сақлашдан иборат. Беморларга қанчалик яқин бўлиб, уларнинг дардини тинглаб, керакли муолажалар билан биргаликда дилдан маслаҳатлар берсанг, уларнинг руҳиятлари кўтарилади, касаллиқни енгиб, тез соғайишга эришадилар, деб ўйлайман. Ҳақиқатан ҳам бўлимда беморларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишда бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Давлат Авазов, кардиолог шифокор Хасан Омаров, шунингдек эпчилу, ширинсухан ўз касбининг моҳир билимдонлари, Раъно Мирманова, Гулнара Комилова, Ўғилой Қаршибоева сингари олий тоифали ҳамширалардан беморлар беҳад миннатдорлар. «Эл соғлиғи — юрт бойлиғи» деган доно нақлга амал қилиб меҳнат қилаётган бу меҳрмуруватли, саҳий қалб эгаларига биз ҳам эзгу ишларида, илмий излаишларида омад ёр бўлишини ният қиламиз.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси кардиология бўлими фаолиятдан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар

Нишондорларимиз

ДАРДМАНГА МАЛҲАМ АЁЛ

МАЪЛУМКИ, БУЙРАК ИНСОН ОРГАНИЗМИДАГИ НОЗИК ВА ЭНГ АСОСИЙ АЪЗОЛАРДАН ҲИСОБЛАНДИ. ЧУНКИ У БАРЧА АЪЗОЛАРНИ ТОЗАЛАШ ҲУСУСИЯТИГА ЭГА. МАВОДО БУЙРАК ЯХШИ ИШЛАМАСА, КИШИ ЎЗИНИ ЁМОН ҲИС ҚИЛАДИ, ДАРМОНСИЗЛАНАДИ, ЁТИБ ҚОЛИШИ ҲАМ МУМКИН. ШУ БОИСДАН БУЙРАКНИНГ ЯХШИ ИШЛАШINI ТАЪМИНЛАШ ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ ГАРОВИДИР.

Тиббиётда буйрак ва у билан боғлиқ аъзоларнинг муаммоларини ўрганиш билан урология фани шуғулланади. Ўзбекистонда тиббиётнинг бу соҳасини тараққий эттириш борасида анча ишлар қилинган. Тошкентда республика урология маркази ишлаб турибди. У энг замонавий ташхис ва даволаш аппаратлари, малакали мутахассислар билан таъминланган. 1-республика клиник шифохонаси қошидаги буйракни кўчириб ўтказиш маркази эса 34 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, республикадаги барча йирик шифохоналарда урология бўлимлари мавжуд. Уларда кўплаб малакали шифокорлар аҳоли саломатлиғи йўлида хизмат қилмоқдалар.

Кейинги йилларда айниқса 1-республика клиник шифохонаси қошидаги буйракни кўчириб ўтказиш марказининг обрў-эътибори ўсмоқда. Бундан шу марказда кўп йиллардан бери бўлим мудири бўлиб ишлаб келаётган Евгения Холодованинг муносиб хиссаси бор. Шифокорнинг яқинда «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланганлиги унинг шу даргоҳдаги кўп йиллик ҳалол меҳнатининг эътирофи бўлди ва бу аёлни яхши билганларнинг барчасини хурсанд қилди.

Евгения Холодова тиббиёт соҳасидаги фаолиятини 1966 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтида ҳамшираликдан бошлаган. 1971 йилда 1-республика клиник шифохонаси қошида буйракни кўчириб ўтказиш маркази ташкил этилганда, устозларининг даъвати билан шу ерга ишлаш учун ўтди. 1974 йилда марказ раҳбариятининг йўлланмаси билан шу институтга кириб, уни меҳнат ва ўқишни қўшиб олиб борган ҳолда битирди. Олий маълумотли шифокор дипломига эга бўлган эса Москва, Санкт-Петербург, Киев, Минск шаҳарларидаги буйракни кўчириб ўтказиш марказларида бўлиб, малакасини ошириб қайтди. Сўнг ўз билим ва тажрибаларини бошқаларга ўргатди. У Ўрта Осиёдаги биринчи буйракни кўчириб ўтказиш марказининг тажрибали мутахассиси сифатида Ашгабат, Алматы, Душанбе, Бишкек шаҳарларида Тошкентдаги сингари марказларни ташкил этишда ёрдам берди.

Дарахт бир жойда кўқаради, деган мақол бор. Бунга Евгения Григорьевнанинг ҳаёти яхши мисол бўла олади. У бир жойда 30 йилдан зиёд меҳнат қилиб, севган касбига меҳр қўйиб, обрў-эътибор топган инсонлардан. Ҳозир бу аёлни буйракни кўчириб ўтказиш марказининг устунларидан десак янглишмаймиз. Марказдаги беморлар Евгения Григорьевна ҳақида миннатдорчилик билан гапиришади.

— Менинг қизим Хосият Мухитдинова беш йилдан бери 1-республика клиник шифохонасида даволанмоқда, — деди биз билан суҳбатда буюрмоқчи Шаҳрибону Орипова. — Мен бу ердаги буйракни кўчириб ўтказиш маркази шифокорлари профессор Николай Пак, бўлим мудири Евгения Холо-

довага ўз миннатдорчилигини билдираман. Уларнинг меҳнати, тиббий ёрдами билан оғир дардга чалинган қизим соғайиб ҳаётга қайтди. Бу ерда унинг буйрагини кўчириб ўтказишди. Айниқса, Евгения Григорьевна хурматга сазовор инсон, ажойиб шифокор. Хар бир беморни туғишгандек кўради. Катта-кичикдан ёрдамини аямайди. У киши керак бўлганда Бухорога бориб қизимга ёрдам берган.

1-республика клиник шифохонаси қошидаги буйракни кўчириб ўтказиш маркази республикада ягонадир. Бу ерда буйраги ишдан чиққан беморларнинг бир қисмига янги буйрак кўчириб ўтказилади, қолганлари гемодиализ бўлимида замонавий даволаш аппаратлари ёрдамида даволанади. Хар бир беморни даволаш орада танаффуслар билан бир неча йил давом этади. Марказда хизмат қилаётган тиббий ходимларнинг аксарияти 20-25 йиллик иш тажрибасига эга. Зотан, марказда яхши иш тажрибаси бўлмаган тиббиёт ходимларининг ишлаши кийин. Чунки бу ерда беморлар билан ишлаган, ундаги замонавий тиббий аппаратларни бошқариш тиббиёт ходимидан катта тажриба ва билим талаб қилади. Евгения Холодова ана шундай билимдон ва тажрибали, ўз касбининг фидойиси бўлган инсон.

Евгения Холодова республика санавиациясида ҳам кўп йиллардан бери хизмат қилиб келмоқда. Унинг республикада бормаган жойи бўлмас керак. Зарур бўлганда ҳамма жойга бориб, буйраги сурункали касал кишиларга қўлидан келган барча ёрдамни берган. Евгения Григорьевна шифокор оиласида туғилиб, ёшлиқдан шу касбга меҳр қўйди. Сўнг кўп йиллик меҳнат фаолияти мобайнида марҳум академик Уктам Орипов, профессорлар Дмитрий Арустамов, Николай Пак каби ажойиб олимлар билан бирга ишлаш, улардан кўп нарсани ўрганиш бахтига муяссар бўлди. Булар ўз касбининг сир-асрорларини яхши билган, хар бир беморга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиб, унинг тезроқ соғайиб кетиши учун куч-қувватини, билимини ва тажрибасини аямайдиган инсонлар сифатида танилган. Улар ўз шогирдларида ҳам шундай фазилатларни шакллантиришди. Хусусан, марҳум академик Уктам Орипов Евгения Холодовага беморга тор тушунча билан ёндошмай, хар бир организмга бус-бутун нарса деб қарашни кўп тайинлаган, фақат трансплантация эмас, балки гематология, биохимия, доришунослик, гемодиализ ҳақида ҳам мукамал билимга эга бўлишни талаб этган.

— Бизга буйраги буткул ишдан чиққан беморлар келишади, — дейди Евгения Григорьевна биз билан суҳбатда. — Биз уларни шундай даволашимиз керакки, операциядан сўнг улар ҳаётга, ўз оилалари бағрига қайтсинлар, ўз касб-кори бўйича ишлаш олинлар. Инсонни иккинчи ҳаётга қайтариш учун шифокордан катта интизом, билим талаб қилинади.

Зотан Евгения Григорьевнада бу сифатлар ортғи билан муҳайё. У хар бир беморга диққат билан муносабатда бўлади. Унинг азоб чекаётганини ҳис этишга, уни бу орқидан фориг этишга интилади. Шунинг учун ҳам беморлар унга мурожаат қилган, ўзларида энгиллик ҳис этадилар. Евгения Холодованинг обрў-эътиборли, хурматли шифокорлардан эканлигининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ
СУРАТДА: (ўртада) Евгения Холодова ҳамшира Шоира Шойлёсова билан беморнинг аҳволини назорат қилмоқда.

Наталья Семёнова олган сурат.

Сўранг, жавоб берамиз

ҚИЗАМИК ҚАНДАЙ ХАСТАЛИК?...

ХУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ! АЙНИ КУНЛАРДА АҲОЛИ, АЙНИҚСА ТАЛАБА-ЁШЛАР ОРАСИДА ҚИЗАМИК КАСАЛЛИГИ УЧРАМОҚДА. МЕНИНГ ҲАМ 17 ЁШЛИ ҚИЗИМ ҚИЗАМИК БИЛАН ОҒРИДИ. У БОШҚА ФАЗАНДАРИМИГА ҲАМ ЮКИШИ МУМКИНИ? ШУ КАСАЛЛИК ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ.

**Х.Маърупова,
уй бекаси**

Қизамик касаллиги ҳаво томчи йўли орқали юқадиган юқумли касаллик бўлиб, асосан тана ҳароратининг кўтарилиши, юқори нафас йўлининг касаллиги ҳамда танада тошма тошиши билан характерланади. Қизамик касаллигини вирус чакиради, у ташқи муҳитга жуда сезгир бўлиб, ҳавода учиб юради. Касаллик манбаи қизамик билан оғирган бемор бўлиб, ундан йўталганда, аксирганда вируслар ҳавога тарқалиб соғ одамга юқди.

Бемор тошма тошгандан сўнг 5 кунгача атрофдагилар учун хавфли ҳисобланади. Бу касаллик асосан ёш болаларда бўлиб, ҳозир катталар ўртасида ҳам кўпроқ учрамоқда, айниқса талабалар ўртасида. Касаллик йил давомида куз ва киш ойларида кўпайиши мумкин.

Касалликнинг яшрин даври 9-10 кундан 14-17 кунгача давом этади. Касалликнинг 3-кундан бошлаб танага тошма тошади. Касалликнинг уч даври бўлиб: катарал даври 3-5 кун; тошма тошиш даври 3 кун; реконвалесценция (тузалиш) даври 2 ҳафта давом этади.

Бу хасталик лоҳаслик, ҳароратнинг кўтарилиши, йўтал, коңюктивит билан бошланиб, ёнокларнинг шиллик қаватида Бельский-Филатов-коплика доғи ва қаттиқ танглайда

энантема ҳосил бўлади. Танага тошма тошиш даврида ҳам ҳарорат юқори, тошмалар тиник тугунчасимон бўлиб, аввал қулоқ орқасида, юзи ва бўйнида касалликнинг 2-куни баданга ва 3-куни қўл ва оёқларга тошади.

Касалликнинг 4-кундан бошлаб шу тариқа тошмалар қайтиб, кипикланиш даврига ўтади. Бу пайтга келиб танада ҳароратнинг кўтарилиши, бу асоратларнинг қўшилганидан далолат беради.

Касалликнинг биринчи аломати бошланиши билан шифокорга мурожаат этиш лозим, чунки қизамик асоратлари бўлиши эҳтилолжам, отит, ларингит, стоматит ва энцефалит каби касалликлар билан жуда хавфлидир. Касалликнинг олдини олишнинг бирдан бир манбаи, қизамикка қарши эмлашдир. Эмлаш боланинг 9-16 ойлигида ўтказилади. Эмланганларнинг 99 фоизда касаллик учрамайди, учраса ҳам энгил ўтади.

Хурматли ота-оналар болаларингизни қизамикка қарши ўз вақтида эмлатинг. Касалликнинг биринчи аломатлари аниқланганда дарҳол шифокорга мурожаат этинг.

**Лариса БУНИЧ,
Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиалининг шифокор услубчиси**

Иқтисодиёт

МУНОСИБ ЎРНИ БОР

СИФАТЛИ МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АЙНИҚСА ЧИРОЙЛИ ДИЗАЙН ҚўЛЛАШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ МАТБАА КОМБИНАТИ ЮРТИМИЗДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГА.

Ўтган йилни муваффақиятли якунлаган жамоа аҳли янги йилни ҳам буюртмачилар билан тузилган шартномаларни ўз мuddатларида бажаришга астойдил бел боғлаган ҳолда бошлади, янги, замонавий, жаҳон талабларига жавоб берадиган дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида рақобатбардош матбаа маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Корхонанинг биргина газета цеҳида йил бошидан шартнома асосида 30 хилга яқин газеталар чоп этилмоқда. Сифатли, рангли, чиройли дизайн ҳамда техник мукамал саҳифаланган газеталар бозор иқтисодиёти шароити талабларига тўла жавоб беради. Эътиборли томони, жамоада бугунги кунда 1,5 миллиард сўмлик шартнома тузилган. Матбаачиларнинг ҳақиқий мададорлари ҳисобланган Ҳиндистоннинг «Manugraf» етакчи фирмаси маҳсулотли бўлган замонавий, юксак самарали газета чоп этиш дастгоҳлари «Постда», «На Посту», «Ватанпарвар», «Хордик», «Соғлом авлод», «Тас-вир», азиз болажонларимизга аталган «Тонг юлдузи», «Класс» газеталари ўз вақтида чоп этилмоқда. Бунда сифатли хом ашё, яъни доғознинг ҳам ўрни катта.

РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

АЗАЛ-АЗАЛДАН БУНЁДКОР БЎЛГАН ХАЛҚИМИЗ, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ҚУРИЛИШДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. ЧУНКИ ЙИЛДАН ЙИЛГА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ КўПАЙИБ, БУ СОҲАДА РАҚОБАТ КУЧАЙИБ БОРМОҚДА. МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ОРАСИДА ТОҲИР АҲМЕДОВНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА.

2000 йилдан буён тадбиркор бош бўлган «Аҳмад ота» хусусий корхонаси ички бозоримизга сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар — пластикдан ром, эшик, витражлар тайёрлаб, мижозларни мамнун қилмоқда. Эътиборли томони, хом ашё — пластика ишлашда жуда қулай бўлиб, энгил, шовкин ўтказмайди, об-ҳаво инжикликларига чидамли, узок йиллар хизмат қилади ҳамда асосийси қўшимча «парваршич» талаб қилинмайди. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган аҳил жамоа ахли мижозларнинг хоҳиш-истакларига қўра жойларга бориб малакали маслаҳатлар беришади, ўлчамларни олиш, тайёр маҳсулотни ўрнатиш каби юмушлар сифатли амалга оширилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, катта буюртмаларга чеғирма — имтиёзли нархлар белгиланган. Тадбиркор раҳбар Тоҳир Аҳмедов доимо изланишда, у жорий йил охиригача бир неча шохобчаларни ишга тушириш, шу аснода янги иш жойлари яратишни режаларган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Санъат

БАДИИЙ КАТАЛОГ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ШВЕЙЦАРИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК БОШҚАРМАСИ БИЛАН ҲАМ АЛОҚА БОҒЛАГАН. БУНДАЙ ҲАМКОРЛИК ЎЗ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА.

Тошкентда ташкил этилган «Конstellация» номли бадий кўргазма ҳам шу сайё-ҳаракатнинг ифодаси бўлди. Мазкур экспозицияда ўзбекистонлик бир гуруҳ мўйқалам усталарининг талайгина асарлари намойиш қилинган эди.

Бу ижод намуналари ҳақидаги маълумотлар эса «Конstellация» деб номланган бадий каталогда ўз ифодасини топди.

Швейцария бошқармаси томонидан босмага тайёрланган ушбу янги нашр бугунги Ўзбекистон тасвирий санъати ютуғини ўзида бадий акс эттирувчи босма манба сифатида ҳам қимматлидир.

ТИНГЛОВЧИЛАРГА МАНЗУР МУСИҚАЛАР

ИСТЕЪДОДЛИ БАСТАКОР НОДИМ НОРҲЎЖАЕВ КЕНГ ҚИРРАЛИ ИЖОДКОР СИФАТИДА ҚўПЛАБ МУСИҚАЛАР ЯРАТДИ. МУСИҚАНИНГ ЙИРИК ЖАНРЛАРИДА ЁЗГАН АСАРЛАРИ ҲАМ КОНЦЕРТ ДАСТУРЛАРИДАН ЎРИН ОЛДИ. «УВЕРТУРА», «РАПОДИЯ», «КАНТАТА» КАБИ МУСИҚАЛАРИ ҲАМ МУХЛИСЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ.

Бастакор кейинги йилларда яна қатор тароналар ус-тида иш олиб борди. Сақсафон ва оркестр учун халқ куйи асосидаги асари «Еввойи тановар» деб номланди. «Раподия»сининг юзага келишида «Фаргона тонг от-гунча» асари асос бўлиб хизмат қилди.

Мухлислар унинг янги яратган «Тромбон ва оркестр учун концерт»ини ҳам яхши кутиб олдилар.

«МЕҲР НУРИ» БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР КИНОСТУДИЯСИ ТОМОШАБИНЛАРНИ ЯНГИ ЭКРАН АСАРЛАРИ БИЛАН ХУШНУД ЭТМОҚДА. БУНДАЙ ИЖОДИЙ ЖАРАЁННИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА СТУДИЯ ТУРЛИ НУФУЗЛИ МУАССАСАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚўЙДИ.

Республикамизда яхши танилиб қолган «Меҳр нури» хайрия жағмармаси билан алоқа ўз ижобий натижасини бермоқда. «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» деб номланган ҳўжатли фильмини суратга олишда ҳам бу ҳам-корлик кўп келмоқда.

Бундан ташқари киностудия томонидан «Нур», «Инсон яшамоғи керак» деган янги экран асарлари суратга олинмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Оз-Оз ўнганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ўғил онаси ва отасидан, Аччиқлиниб кетиб қолди. Яна гамгин бўлиб қайтиб келди.

«Онам насиҳатини олайин, Отам пандини эшитайин» Деб келди, — дейишади. Билиб қўйинг: бу — яхши.

ТАЪБИРНОМА

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир бадавлат кишининг яккаю-ягона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исрофчи ва беҳуда сарфловчи эди. Байт:

Давлат ўйин учун эмас, жаҳонда, ўзни сақлаш учун доим омонда!

Ота, ўз ўғлининг ноқобил эканини билгани учун олдиндан чора кўриб, ўлар пайтида унга насиҳат қилиб деди:

— Эй ўғлим, мен ўлганимдан кейин бойликларимнинг бари сенга қолади. Ишончим комилки, сен уларнинг барини беҳуда сарфлаб битирасан. Қўлингга ҳеч нарса қолмай, оқлик ва ночорлик билан охири ўлимнингга рози бўласан. Мен нариги ўйнинг бурчагидаги томнинг шипига бир арқон боғлаб қўйибман. Жондан тўйган пайтида ўзингни ўша арқонга осгин.

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобил ўғил кўп ўтмай, барча пулларни сарфлаб таомлади. Охири гадоийлик қилишдан ор қилиб ўзини осиб ўлдиришга қарор қилди. Отаси тайинлаб кетган уйга кириб, арқоннинг учини бўйнига солиб, ўзини осди. Том тўсини уни кўтаролмай синиб кетди. Шу он тупроқ аралаш отаси атайлаб ўғли учун беркитиб кетган бойликлар ерга тушди. Мехнат билан топиладиган бойлик қадрини тушуниб етган ўғил энди пулни ўйлаб ишлатадиган, хайрли йўлларга сарфлайдиган бўлди. Отаси хотираси учун халқни ҳушнуд қилишга ва саховат нуридан баҳраманд қилишга киришди. Назм:

Кшида бўлмаса давлат удир хок, Давлатли кишига жаҳонда не боқ! Давлат гоҳи келиб, охирада кетар, Бефаҳм кишилар ўзни йўқатар.

«МАҲЗАН АЛ-УЛУМ»

Муяссар бўлса тиллодин сенга тахт, Ўзингдин пастга зинҳор айтагил сахт Сўфи ОЛЛОЁР

Болалар! Аналаримиз бизларни вояга етказиш учун меҳру муҳаббатини аямай, оромидан кечиб, кечалари ухламай, тарбиямизга машғул бўлган. Хафа бўлиб қолса ёки кўнглимиз бироз ранжиса, атрофимизда парвона бўлган, тобимиз қочиб қолса, ҳузур-ҳаловатини йўқотган ҳам она. Боғбонсиз бирор дарахтнинг меваси яхши бўлмайди. Она эса биз учун боғбондир. У доимо бизни парвариш қилиш пайдан бўлади. Бунинг фахмлаган ҳар қандай бола ўз онасини барча нарсадан устун қўяди ва ҳаммиса ҳурмат қилади.

Ақлли фарзанд бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини эсдан чиқармайди, кичкина ишга қўл урганда ҳам онани бундан воқиф қилиб, унинг розилигини олади, айтган сўзларига қулоқ солиб, маслаҳатларига амал қилади, ҳар вақт онани миннатдор қилишга уринади.

Вояга етган болалар яхши тарбия олиб, бирор касб эгаллаб олганларидан кейин ҳар вақт оналари олдига келганларида бир вақтлар шу онасидан сўт эмиб катта бўлганларини, унинг кучоғида парвариш топганларини ўйлаб, ҳеч онага қаттиқ гапирмайдилар, юмшоқ сўзлар билан унинг кўнглини оладилар. Онанинг бир вақт ўзлари учун чеккан жафоларини кўз ўнгарига келтириб, шу чеккан жафо ва меҳнатларини унуттиришга уринадилар, уларнинг дил розилигини олиб, бир умрга шодмон қиладилар.

Мустафо ҲОМИЙПОШО

Оталарнинг дўстлиги болаларни яқинлаштиради. Ота-онасини ҳурматлаган кишининг умри узун бўлади. «ОТАЛАР СЎЗИ»

Ота-онанинг хизматини қилиш ҳар бир фарзанднинг бурчи. Аммо бу бурч ота-она қачонки фарзанднинг хизматига муҳтож бўлиб қолганда амалга оширилади.

Фарзанднинг ота-она олдидаги одоблари шундайки, ота-она нима деса диққат билан қулоқ солади. Уларнинг олдида тушиб юрмайди. Нимаики буорсалар жону дил билан бажаради. Ўтирган жойларидан турсалар у ҳам иргиб туради. Чақирсалар лаббай деб жавоб беради. Уларни ҳурсанд қилишга ҳаммиса орзуланд бўлади. Олдиларида таъзим билан туради. Қилган ишларини миннат қилмайди. Ота-онанинг бир хил ишлари учун аччиқлиниб, уларга ҳўмрайиб қарамайди. Рухсатсиз сафарга кетмайди.

Яна бошқа ҳуқуқларидан баъзилари шуки, уларнинг олдиларида одоб сақлайди. Ечиниб ўтирмайди. Бирор ери оғриётган бўлса, отани-онани ташвишга солмаслик учун имкон борича яширишга ҳаракат қилади. Шунга ўхшаш нарсаларнинг ҳаммасида одоб қоидаларини жойига қўяди.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ

Маҳмуд ХАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган.

ЕР ЮЗИДА ҚАНЧА ИНСОН БЎЛСА, ШУНЧА ТАҚДИР, ШУНЧА ДАРД БОР АЛБАТТА. ҲАР БИРИМИЗ ҲАЁТДА МАНА ШУНДАЙ ТАҚДИР ЭҒЛАРИНИНГ ДАРДИГА, ТАШВИШУ ҒАМИГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ.



Янги фильмлар

«БЕГОНА БАҲОР»

«М ДОСТ» ва «Ўзбектеелефильм» студиялари ҳамкорлигида яратилган «Бегона баҳор» фильмига истеъдодли актёрлар жамланган, дейди фильмнинг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исмаил Эргашев. — Баъзан бир оилада яшаб

туриб одамлар бир-бирларини тушунмай узоклашиб, бегоналашиб кетадилар. Меҳроқибатни унутадилар. Фильмда бир оиладаги ўзаро келишмовчиликлар ҳаққоний ифода этилган. Уйламанки, кинотасмадаги воқеаларни кўрган томошабинлар ўзларига тегишли сабоқ оладилар.

— Мен ушбу фильمنى томоша қилиб жуда таъсирландим, ҳатто кўзларимга ёш келди, — дейди мактаб ўқитувчиси Маҳмуд Аҳмедова. — Ҳаётда шундай оилалар бор албатта. Баъзи қайноналар келинини ўз қизи-

дек кўрмай, унга паст назар билан қараб, арзамаган сабаблар туфайли ёш оилаларнинг бузилиб кетишига сабабчи бўлишади. Фильмдаги қайнона ҳам келинини чиқиштирмай, охир-оқибат ўғлини бахтсиз қилди, эрининг бевақт ўлимига сабабчи бўлди. Бу каби томошаларни кўрган баъзи қайноналар ўзларига тегишли ҳулоса чиқарадилар, деб ўйлайман.

Фильмдаги бош ролларни таниқли актёрлар Рихси Иброҳимова, Исмаил Эргашев, Гулчехра Иброҳимбекова, Наргиза Абдуллаева, ҳушвоз хонанда дебютант актёр Анвар Собиров маҳорат билан ижро этишган.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Бегона баҳор» фильмидан лавҳалар.

Енгил атлетика

ШАҲРИМИЗ ЖАМОАСИ БИРИНЧИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИНИНГ ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ЗАЛИДА 1987-1988 ЙИЛЛАРДА ТУҒИЛГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИККИ КҮН ДАВОМИДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА МАМЛАКАТ КУБОГИ ВА БИРИНЧИЛИГИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРИДАН 250 ГА ЯҚИН СПОРТЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

28 та спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларда қўтилганидек Ўзбекистон терма жамоасининг аъзолари жуда муваффақиятли иштирок этишди. Уларнинг афсари қисми шахримиз вакиллари эканлиги қувонarli ҳолдир.

Чунончи, етакчи спортчиларимиздан Игорь Моисеев 60 ва 200 метр каби қисқа масофаларга югуриш бораида зафар кўчган бўлса, енгил атлетикамиз фахрийларидан бири Людмила Дмитрияди айнан шу масофаларга тўсиқлар оша югуриш баҳсида голиблар сафини

бошқарди. Тарас Моисеевга эса узунлик ва уч хатлаб сакрашда тенг келадиганлар топилмади. Елена Сидорова 800 ва 1500 метрларга югуриш мусобақасида юқори натижалар — 2.07.24 ва 4.31.91 сонияларни кўрсатиб ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасини забт этди.

Баландликка сакрашда Подурова 2 метру 13 сантиметрлик энг юқори натижани кўрсатгани ҳолда голиблар сафидан ўрин олди. Умумжамоа ҳисобида голиблар иккита



гурӯх бўйича аниқланди. Жумладан, биринчи гурӯхда рақибларидан анча ўзиб кетган Тошкент-1 жамоаси 20377 очко тўплагани ҳолда голиб чиқди. Самарқандлик енгил атлетикачилар иккинчи, пойтахт вилоятининг биринчи жамоаси эса 16552 очко жамғариб учинчи бўлишди.

Иккинчи гурӯҳда Сирдарё, Сурхондарё ва Наманган вилоятлари голиблар сафини бошқаришди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТДА: мусобақадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

Футбол

МУРАББИЙЛАР МАЛАКА ОШИРИШАДИ

МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ—ФУТБОЛНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ БОЛАЛАР ФУТБОЛИ РИВОЖИГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ ЭКАНЛИГИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС.

Шу боис ҳам Истиклол шарофати туфайли футбол мактабларида болалар билан ишлайдиган мураббийлар фаолиятини янада яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда болалар жамоалари ўртасида тез-тез турли хил турнирлар уюштириш аънаънага айланиб бораётганлиги қувонarli ҳол.

Куни кеча Ўзбекистон футбол федерацияси болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш бўлими ташаббуси билан футбол интернетларида болалар билан ишловчи мураббийларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув курси иш бошлади. Шуниси эътиборлики, пойтахтнинг мактаб-интернатлари мураббийлари иштирокида ташкил этилган ушбу курслар 5 мартга қадар давом этади. Осий футбол конфедерацияси йуриқчиси Вадим Шодиметов раҳбарлик қилаётган ушбу ўқув курсида 24 нафар мухтаassis малакасини оширмоқда.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«НАВРЎЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИГА БИНОАН 2006 ЙИЛ 27 МАРТ КУНИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ҚЎЙИДАГИ МАНЗИЛДА ЎТҚАЗИЛАДИ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ, САЙРАМ КЎЧАСИ, 41-УЙДА ЖОЙЛАШГАН ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ИДОРАСИ БИНОСИ. МАЖЛИСНИНГ БОШЛАНИШ ВАҚТИ СОАТ 12.00. АКЦИЯДОРЛАР СОАТ 11.00 ДА РЎЙХАТДАН ЎТАДИЛАР.

- Кун тартиби: 1. «Наврўз деҳқон бозори» ОАЖнинг 2005 йил якуни бўйича иш фаолиятини юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини кўриб чиқиш. 2. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш. 3. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш. 4. Жамият Кузатув кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш. 5. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш. 6. Жамиятнинг 2005 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва

- дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш. 7. Жамиятнинг 2006 йилги иш режасини (бизнес режа) тасдиқлаш. 8. Жамият бошқаруви раисининг меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтириш масаласи. 9. Жамиятнинг 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш. 10. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш, ҳамда аудиторга тўланадиган хизмат ҳақини белгилаш. 11. Жамият Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш. 12. Жамият Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

Table with 2 columns: Актив, Пассив. Rows include: Асосий воситалар 41799,4; Устав капитал 50000; Кап.қўйилмалар 140479; Резерв капитал 20896; Қимматли қозғалар 20194; Тақсимланмаган фойда 4928; Товарлар 9403; Мақсадли тушумлар 124011; Кечиктирилган харажатлар 3318; Кредиторлар 41036,4; Пул маблағи 11755; Жами 240871,4; Дебиторлар 13923; Жами 240871,4; Соф фойда 4254,4

Мажлиса акциядорлар реестрининг 2006 йил 23 февраль ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин. Кузатув кенгаши

«Сувсоз» Давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 31 декабригача ичимлик суви ва сув ўлчаш асбоблари учун белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлаган истеъмолчилар ўртасида қимматбаҳо ютуқлар ўйинини ўтказди. Ўйин 2006 йил 6 март куни соат 10.00 да Миробод тумани ҳокимиятининг катта мажлислар залида ўтказилади. ДУК «Сувсоз» трести қимматбаҳо ютуқлар ўйини ташкилотчиси сифатида ўз истеъмолчиларини ўйинда иштирок этишга таклиф қилади. Ўйин натижалари қўшимча равишда маҳаллий газеталарда чоп этилади. Маълумот учун телефонлар: 152-19-63, 152-19-28 «Сувсоз» Давлат унитар корхонаси.

FUND FORUM. UZ, AMOLOT, TOHKENT SHAHAR BO'LIMI. O'zingni ko'rsat! Olimp choqqisini zabt et! Iqtidorningni namoyish et! INTELLEKTUAL OLIMPIADA 20-27.02.2006. Nima? Qachon? Qayerda? Breyin ring, Svoya igra, intellektual SMS, shahika, shaxmat va komp'yuter o'yinlari bo'yicha turli xil tanlovlar. Co'shimcha ma'lumotlar "Kamolot" Yo'lt tuman bo'limida

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ газеталари тахририяти реклама агентларини ишга қабул қилади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95 ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ. Буортма Г-406

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5218 нусхда босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлари ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-маъбаас акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6